



20 14 yil "8" сентябрь

Д-145 - sonli

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар
Маҳкамасининг 2017 йил 31 августдаги
“Автомототранспорт воситаларини
давлат рўйхатидан ўтказиш ва уларга
рўйхатдан ўтказиш давлат рақами
белгиларини бериш тартибини
такомиллаштириш тўғрисида”ги 683-сон
қарори ижросини таъминлаш ҳақида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 11 июлдаги ПҚ-3127-сон қарори асосида ишлаб чиқилган Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 31 августдаги “Автомототранспорт воситаларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва уларга рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгиларини бериш тартибини такомиллаштириш тўғрисида”ги 683-сон қарори ижросини мақсадида

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 31 августдаги “Автомототранспорт воситаларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва уларга рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгиларини бериш тартибини такомиллаштириш тўғрисида”ги 683-сон қарори раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг мазкур қарорига кўра:

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва Молия вазирлигининг 2017 йилнинг 1 сентябридан бошлаб, жисмоний ва юридик шахсларга автоматотранспорт воситалари учун рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгиларини шаффоф ва рақобатдошлик асосида оширилган тўлов ставкаси бўйича, “Ўзбекистон республика товар-хонашў биржаси” АЖ (кейинги ўринларда биржа деб аталади) ахборот тизимида аукцион ўтказиш орқали, шунингдек, уларнинг буюртманомалари асосида автотранспорт воситалари учун харидоргир ҳарф ва рақамлар комбинациясига эга бўлган рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгиларини оширилган тўлов ставкалари бўйича босқичма-босқич бериш ҳақидаги таклифи маъқулланганлиги;

Автомобилтранспорт воситаларини давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби тўғрисидаги Низом;

Жисмоний ва юридик шахсларга автомобилтранспорт воситалари учун рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгиларини оширилган тўлов ставкалари бўйича беришда “Ўзбекистон республика товар-хонашў биржаси” АЖ ахборот тизимида аукцион ўтказиш тартиби тўғрисидаги Низом;

Жисмоний ва юридик шахсларга автомобилтранспорт воситалари учун харидоргир ҳарф ва рақамлар комбинациясига эга бўлган рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгиларини оширилган тўлов ставкалари бўйича бериш тартиби тўғрисидаги Низом тасдиқланганлиги;

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Йўл ҳаракати хавфсизлиги давлат хизмати бўлинмалари, жисмоний ва юридик шахсларга автомобилтранспорт воситалари учун рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгиларини аукцион ўтказиш йўли билан оширилган тўлов ставкалари бўйича беришда, биржа томонидан кўрсатилган хизматлар учун тўловлардан озод қилиниши;

автомобилтранспорт воситалари учун рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгиларини аукцион ўтказиш йўли билан оширилган тўлов ставкалари бўйича беришда, тўловдан келиб тушган маблағларнинг 80 фоизи - Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига, 20 фоизи - Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг моддий-техник базасини ривожлантириш, ходимларини моддий рағбатлантириш ва бошқа харажатлар Махсус жамғармасига йўналтириши;

жисмоний ва юридик шахсларга автомобилтранспорт воситалари учун харидоргир ҳарф ва рақамлар комбинациясига эга бўлган рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгиларини оширилган тўлов ставкалари бўйича бериш ставкалари Ўзбекистон Республикасининг Республика бюджетига тўлиқ ҳажмда ўтказиладиган, энг кам ойлик иш ҳақининг бир юз эллик баравари миқдоридан белгилаши;

мазкур банднинг учинчи ва тўртинчи хатбошиларида кўрсатилмаган, рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгиларини бериш тўлов ставкаларининг тўлиқ ҳажмда Ўзбекистон Республикасининг Республика бюджетига ўтказиладиган суммаси Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда Ички ишлар вазирлиги томонидан белгилаши;

автомобилтранспорт воситалари учун харидоргир ҳарф ва рақамлар комбинациясига эга бўлган рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгиларини оширилган тўлов ставкалари бўйича бериш тартиби ушбу қарорга кўра, тасдиқланган “Жисмоний ва юридик шахсларга автомобилтранспорт воситалари учун рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгиларини оширилган тўлов ставкалари бўйича беришда “Ўзбекистон республика товар-хонашў биржаси” АЖ ахборот тизимида аукцион ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом”да қайд этилган рақамлар комбинациясига нисбатан қўлланилмаслик тартиби ўрнатилгани инобатга олинсин.

3. Вилоят Ички ишлар бошқармаси (Ш.Сатволдиев):

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вилоят бошқармаси билан биргаликда, “Электрон ҳукумат” тизимининг маълумотлар тизими ҳамда марказий маълумотлар базаси билан, маълумотлардан фойдаланиш имконияти тоифаларини сақлаган ҳолда, автототранспорт воситаларининг рўйхатдан ўтганлик гувоҳномаларини ҳисобга олиш реестрини юритиш бўйича дастурий таъминотни босқичма-босқич интеграциялаштиришнинг янада оширилишини таъминласин;

Вилоят телерадиокомпанияси (Ш.Шокиров) билан биргаликда Вазирлар Маҳкамасининг мазкур қарори талабларини автототранспорт воситалари эгалари ва аҳолига, улар ўртасида тушунтириш ишлари олиб борган ҳолда, шу жумладан, телерадиоканалларда видеоролик ҳамда ҳаракатланувчи сатрларни ташкил этиш йўли билан етказсин.

4. Вилоят ҳокимининг айрим қарорлари иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

5. Вилоят Ички ишлар бошқармаси (Ш.Сатволдиев) манфаатдор вилоят бошқарма ва ташкилотлар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Т.Боболов, вилоят ҳокимлиги гуруҳ раҳбари А.Каримов, вилоят Молия бош бошқармаси бошлиғи Б.Худойбергандов ва вилоят Ички ишлар бошқармаси бошлиғи Ш.Сатволдиев зиммасига юклансин.

Вилоят ҳокими



Э.Турдимов



Вилоят ҳокимининг
2017 йил “ 8 ” сентябрдаги
256-сон қарорига илова

Вилоят ҳокимининг ўз кучини йўқотган деб эътироф этилаётган айрим қарорлари рўйхати

1. Вилоят ҳокимининг 1997 йил 3 июндаги “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Автомототранспорт воситаларини рўйхатдан ўтказиш, қайта рўйхатдан ўтказиш ва уларнинг ҳисобини олиб бориш, миллий давлат рақами белгиларини бериш ва уларни алмаштириш ишларини тартибга солиш ҳақида”ги 1997 йил 26 майдаги 256-сон қарори ҳақида”ги 186-сон қарори.

2. Вилоят ҳокимининг 2006 йил 23 майдаги “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 12 майдаги “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва кўшимчалар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида”ги 83-сонли қарори ҳақида”ги 80-сон қарорига илованинг 1-банди.

3. Вилоят ҳокимининг 2007 йил 25 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 18 сентябрдаги “Автомототранспорт воситаларини рўйхатдан ўтказиш, қайта рўйхатдан ўтказиш ва уларнинг ҳисобини олиб бориш, миллий давлат рақами белгиларини бериш ва уларни алмаштириш қоидаларига ўзгартириш киритиш ҳақида”ги 196-сонли қарори тўғрисида”ги 145-сон қарори.

4. Вилоят ҳокимининг 2010 йил 6 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 24 мартдаги “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва кўшимчалар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида”ги 52-сонли қарори ҳақида”ги 78-сон қарорига 1-илованинг 12-банди.

Вилоят ҳокимлиги Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолияти, ҳарбий сафарбарлик ва фавқулодда вазиятлар масалалари бўйича гуруҳ етакчи мутахассиси О.Севаров